

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ”НИНГ АДАБИЙ, ИСЛОМИЙ ВА ФАЛСАФИЙ МАНБАЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15630665>

Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич,
фалсафа фанлари доктори(DSc),
ISFT институти “Гуманитар ва табиий фанлар” кафедраси
профессори
jafarmuhammad@mail.ru
<https://orcid.org/0009-0009-6853-7019>

Аннотация

Ушбу мақолада XI асрнинг улуғ туркийзабон шоири ва мутафаккири Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” номли достонининг бадиий-эстетик, ижтимоий-фалсафий ва диний-ахлоқий аҳамияти, унинг адабий, исломий ва фалсафий манбалари хусусида баҳс юритилади.

Калим сўзлар: Юсуф Хос Ҳожиб, “Қутадғу билиг”, достон, туркий адабиёт, адабий манбалар, исломий манбалар, фалсафий манбалар.

Abstract

The article examines the artistic, aesthetic, socio-philosophical and religious-moral significance of the epic poem "Kutadgu Bilig" by the great Turkic poet and thinker of the 11th century Yusuf Khos Khadzhib, as well as its literary, Islamic and philosophical sources.

Keywords: Yusuf Khos Hajib, “Kutadgu Bilig”, epic, Turkish literature, literary sources, Islamic sources, philosophical sources.

Аннотация

В статье рассматривается художественно-эстетическое, социально-философское и религиозно-нравственное значение эпической поэмы «Кутадгу билиг» великого тюркоязычного поэта и мыслителя XI века Юсуфа Хос Хаджиба, а также ее литературные, исламские и философские источники.

Ключевые слова: Юсуф Хос Хаджиб, «Кутадгу билиг», эпос, турецкая литература, литературные источники, исламские источники, философские источники.

МУҚАДДИМА

Юсуф Хос Ҳожиб туркий кавмлар Еттисув ўлкасидаги Кузўрда – Баласоғунда ислом динини қабул қилганларидан кўп ўтмай милодий 1015/1016 йилда, баъзи маълумотларга кўра 1021 йилда Тўқмоқ кўрғонида

(ҳозирги Қирғизистоннинг шимолида) дунёга келди. У ёшлигидан туркий, дарий (форс-тожик) ва араб тилларини ўрганди.

Бу даврда Еттисув ва Шарқий Туркистон ўлкалари туркий қарлук қабиласидан чиққан Қорахонийлар сулоласи қўл остида эди.

Юсуф Хос Ҳожиб исломий туркий адабиётда бизгача етиб келган биринчи ёзма асар муаллифи ҳисобланади.

Туркий тафаккур тарихидаги улуғ мутафаккир 6645 байтдан иборат бўлган “Қутадғу билиг” (“Саодат илми” ёки “Бахт бағишловчи билим”) номли асарида инсоннинг дунё ва охират саодатига қандай қилиб эришиши мумкинлиги ҳамда ҳукмдор мамлакатни қандай қилиб бошқариши зарурлиги каби масалаларни кўтаради. Юсуф Хос Ҳожиб китоб ва унинг номи ҳақида тушунтириш берганидан кейин, тўрт шахс – маънавий қадриятларни ифодаловчи рамзий образлар ўртасидаги мунозаралар орқали мавзуларни очиб беради. Подшоҳ “Кунтуғди” – адолат тимсоли, вазир “Ойтўлди” – бахт-саодат рамзи, вазирнинг ўғли “Ўғдулмиш” – ақл ва билим тимсоли, вазирнинг укаси “Одғурмуш” эса оқибат ва натижанинг рамзи сифатида тасвирланади.

Достон сюжети қаҳрамонларнинг бир-бирлари билан суҳбатлари ва мактублари асосига қурилган бўлиб, уларда турли мавзулар: ўлимнинг муқаррарлиги ва боқий дунёдаги абадий ҳаёт ва ахлоқ ҳақидаги фикрларнинг зарурлиги ҳақида сўз боради. Бундан олдин муқаддима боби бўлиб, унда муаллиф анъанага кўра, Аллоҳ таолони, мусулмонлар пайғамбарини ва пайғамбар вафотидан кейин ҳокимиятни мерос қилиб олган унинг тўртта одил халифасини улуғлайди. Кейин баҳорни куйлашга ўтади ва ҳукмдор Тавғачхон Бўғрани мадҳ этади. Кейин етти сайёра ва ўн икки бурж ҳақида сўзлайди, инсонларнинг фазилатлари, тилнинг фойдаси ҳақида ҳикоя қилади. 398-байтдан достоннинг бош қаҳрамони ҳукмдор (Элик) Кунтуғди ҳақидаги ҳикояни бошлайди.

“Қутадғу билиг”нинг асосий мазмуни қуйидагича: эликнинг донишмандлигига қойил қолган Ойтўлди унинг хизматида боришга қарор қилади. У фавқулодда қобилят ва билимдонлик кўрсатиб, эликдан вазирлик мансабини олади. Элик билан вазир ўртасида турли-туман мавзуларда қўплаб суҳбатлар бўлиб ўтади. Улар кетма-кет Бахт, Адолат каби азалий тушунчаларни муҳокама қиладилар, тилнинг фазилатлари ва нутқнинг фойдаси ҳақида гапирадилар.

Ойтўлди қариган чоғида дам олишга кетишга қарор қилади ва ўғли Ўғдулмишни эликка таништиради. Ўғил отасининг ўрнига вазирлик лавозимини эгаллайди, шундан сўнг достон муаллифи эликнинг у билан ақлнинг моҳияти, бекнинг фазилатлари, саройдаги турли хизматчиларнинг қандай бўлиши кераклиги, хизматкорларга муносабат қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги суҳбатларини ҳикоя қилади.

Ўғдулмишнинг маслаҳати билан элик Ўзғурмишни саройга таклиф қилади. Достоннинг сўнгги бобларида элик ва Ўғдулмишнинг Ўзғурмиш

билан суҳбатлари ва ёзишмалари ҳикоя қилинади. Улар муҳокама қилаётган масалалар доираси кенг ва хилма-хилдир.

Юсуф Хос Ҳожиб замонасининг илм-фанини ўз ватанидаги уламолар ва фазилат соҳиблари ҳузурида ўрганди. У нафақат она тилини, балки форс-тожик, араб, юнон, чин ва ҳинд тилларини ҳам пухта ўрганди.

“Қутадғу билиг” китоби туркий халқлар орасида сиёсатнома жанрининг шаклланишида илк қадам ҳисобланади. Юсуф Баласоғуний туркийзабон илм ва адабиёт оламида инсон учун абадий ёнадиган машъал яратган олим ва шоир сифатида танилган.

Юсуф Хос Ҳожиб инсон билимларини уч турга бўлади:

1. Ауичға сўзи – пирлар ва кексаларнинг оғзаки ҳикматлари;
2. Билиглик сўзи – ёзма илмлар ва мутафаккирлар мероси;
3. Шоир сўзи – шеърӣ адабиёт.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”да илм аҳли ҳақида шундай дейди: “Олимларнинг илми инсонга тўғри йўл кўрсатадиган нурхўр шамчирағ кабидир. Илм – бу тор тунда йўл кўрсатувчи шамчирағ каби инсонни муносиб йўлга бошлайди. Шу боис, илм зеварини қалб гавҳари билан безаб, илм ва амал мактабига яқин ва мос бўлишимиз лозим.”

АСОСИЙ ҚИСМ:

1. “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”НИНГ АДАБИЙ МАНБАЛАРИ

Шак-шубҳасиз, “Қутадғу билиг”нинг илк адабий-бадӣй сарчашмаси – манбаси форс-тожик ва жаҳон адабиётининг йирик намояндаси, буюк шоир ва мутафаккир Ҳаким Абулқосим Фирдавсий (932/935-1020)нинг “Шоҳнома”сидир. Юсуф Хос Ҳожиб қадимги форс-тожик адабиётининг билимдони ва ихлосманди бўлгани учун ҳам араблар билан бирга форс-тожик халқининг илм-фан, адабиёт ва тамаддун ривожига ўрнига юксак баҳо беради:

Араб, тожикларда китоб кўп эрур,
Туркий бу китоб кўп заковат берур.[10:14]

Ёки:

Керак эди юксак санъат ва билим,
Ҳам қувват тутмоқ-чун бу етти иқлим.
Бу ҳақда тожиклар китобда битган,
Китобда бўлмаса, қай кўрган етган?[10:38]

Юсуф Хос Ҳожиб ўзи айтганидек, эронлийлар томонидан “Шоҳномаи туркий” дея таърифланган “Қутадғу билиг” назмӣй асари – достонини

Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидан илҳом олиб, “Шоҳнома” яратилган вазн – арўз вазнининг мутақориби мусаммани махфүф ё мақсур баҳрида (V - - V - - V - - V - - “фаъулун, фаъулун, фаъулун, фаъул”) битилган. Маълумки, арўз вазни тизими араб олими Халил ибн Аҳмад (718, Уммон – 792, Басра) томонидан (“Ал-Аруз” асари) яратилди. Аммо бу баҳр Дақикий давригача араб шеъриятида деярли фойдаланилмади. Фирдавсий “Шоҳнома”сидан сўнг ушбу вазн “Қутадғу билиг” билан туркий ёзма адабиётни бошлаб берди ва кейинги давр форсийзабон халқлар ва умуман, Шарқ шеъриятида янада кенг фойдаланилди.

Маълумки, Фирдавсий ва унинг “Шоҳнома”си XI-XIX асрлар давомида Шарқ халқлари маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди, унинг юзлаб қаҳрамонлари форсий, туркий, араб ва хинд-урду шеъриятига кириб борди. XVIII аср бошларидан Европа адабиётига ҳам таъсир етказа бошлади. Жумладан, Жозеф Чимпион биринчи марта “Шоҳнома”нинг бир қисмини 1785 йилда таржима қилди, аммо таржимашунослик тарихида қайд қилинишича, “Шоҳнома”дек буюк асарни европаликларга таништирган шахс инглиз шарқшуноси Сэр Уильям Жонс (1746-1794)дир. У.Жонс “Осиё шеъриятдан таржима” ва “Шарқ шоирлари ҳақида мақолалар” номли китобларида ўз имкони даражасида Фирдавсийни европаликларга таништириб ўтди. Унинг “Шоҳнома”дан таржима қилган парчалари европалик адабиётсеварлар учун катта янгилик бўлди. Жонсдан кейин олмониялик Гурс (1820), англиялик Тортар Мокон (1829), олмониялик шарқшунос Шок ҳамда шоир ва олим Фридрих Рукерт (1851) “Шоҳнома”нинг бир қисмини таржима қилдилар.[6:21]

Бу борада англиялик таржимон ва тадқиқотчилардан Эткинсининг хизматларини ҳам зикр этиб ўтишга тўғри келади. У 1813 йилда биринчилардан бўлиб “Шоҳнома” таркибидаги энг таъсирли ва гўзал дostonлардан бири – “Рустам ва Сухроб”ни шеърий таржима қилди. Жеймс Аткинсон 1832 йилда “Эрон шоири Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си” номи остида асарнинг бир қисмини ҳам насрий, ҳам назмий тарзда таржима қилди ва нашр эттирди.[5:24]

Аммо, “Қутадғу билиг” туркий тилдаги илк манзум асар, қимматли адабий-ахлоқий манба бўлишига қарамасдан, нафақат ўрта асрлардаги Шарқ тилларида ёзилган манбаларда тилга олинмайди, нафақат анъана сифатида кейинги туркий адабиётда давом эттирилмайди, балки XVIII-XIX асрларда Шарқ халқлари тарихи, адабиёти ва маданиятини ўрганиш урф бўлган Европада ҳам таништирилмайди. Афсуски, “Қутадғу билиг”ка анча кеч, XX асрнинг биринчи чорагидан бошлаб эътибор берила бошланади. Бундан фарқли ўларок, Фирдавсий “Шоҳнома”си XVIII асрдан Европа тилларига нафақат таржима ва нашр қилина бошланади, балки тадқиқотларга ҳам жалб қилинади. Жумладан, европалик тадқиқотчилардан Шок, Фенгомер, Бумгортан, Герман Эте, Эдуард Браун, Жюл Мул, Генри Массе, Ампер, Питзи, Кримский ва Фритс Влльф каби олимлар “Шоҳнома” хусусида

жиддий тадқиқотларни амалга оширадилар. Жюль Мул (Jules Mohl) қирқ йил тинмай Абулқосим Фирдавсийнинг улкан “Шоҳнома” асари таржимаси устида ишлади, бироқ 1876 йилда шафқатсиз ажал уни ушбу таржимани охирига етказишга имкон бермади. Бу соҳада Жюль Мул амалга оширган энг муҳим ишлардан бири “Шоҳнома” нинг илк танқидий матнини нашрга тайёрлаш эди. У шу билан бирга “Фирдавсий ҳаёти” сарлавҳаси остида шоирнинг ҳаёти ва унинг асари ҳақида муфассал маълумот бериб ўтади. “Шоҳнома”нинг Мул томонидан амалга оширилган матни Техронда нашр эттирилган.[7]

Француз олимларидан Адольф Аврил 1885 йилда “Шоҳнома”да аёллар образи мавзусида рисола нашр эттиради. Китобда у “Шоҳнома”даги аёллар образини ўша даврдаги европалик аёллар билан ўзаро қиёслаб ўрганади ва унда “эронлик аёллар донишманд, доно ва меҳрибондир”, деган хулоса чиқаради.

Франциянинг таниқли ёзувчиси ва олими Эрнест Ренан (1823-1892) ўзининг “Тарихлар ва сафарномалар” номли китобида Фирдавсий “Шоҳнома”сини “форсийзабон халқларнинг буюк даҳоси, заковати ва ижодий қудрати ҳужжатидир” деб атайди.[5:27]

Ж.Ж.Ампер (1800-1864) эса ўз мақоласида: “Фирдавсий жаҳоннинг энг буюк шоирларидан биридир”, - деб ёзади. У Фирдавсий “Шоҳнома”сини олмонларнинг “Небелунглар ҳақида қўшиқ” достони, Гомернинг “Илиада” ва “Одессия” дostonлари, ҳиндларнинг санскрит тилида яратилган “Маҳобҳорат” ва “Рамаяна” асарлари билан ўзаро қиёсий тадқиқ этиб, “Шоҳнома”ни уларнинг барчасидан устун эканлигини исботлаб берди. Англия шарқшуноси Эдуард Говел (Edvard Cowell -1826-1903) ёзади: “Бу адабий эпос дунёдаги барча мавжуд асарлардан кўра буюқдир ва улар билан баб-баравар беллаша олади. Худди Гомернинг “Иллиада”сидек улуғ асар Европада ягона бўлгани сингари Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си Осиёда тенги йўқ буюқ асардир”. [5:28] Бу ҳақда узоқ фикр юритиш ва бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Зотан, тадқиқотларга қараганда XVIII асрдан бугунги кунга қадар Фирдавсий ва унинг жаҳон адабиётига тортиқ этган шоҳ асари – “Шоҳнома”сига оид Шарқу ғарбда юз мингга яқин турли ҳажмдаги илмий ва илмий-оммабоп тадқиқотлар (диссертациялар, монографиялар, илмий рисолалар, илмий-оммабоп рисолалар, илмий мақолалар, илмий-оммабоп мақолалар...) амалга оширилган.

“Қутадғу билиг” Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидай 60000 байтдан иборат бўлган ниҳоятда маҳобатли манзум асар эмас, балки 6000 байтлик ўрта ҳажмдаги дostonдир. Аммо ана шу ихчам ҳажмда ҳам Юсуф Хос Ҳожиб ўз фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий пайғомларини келажак авлодларга етказа олган.

Маълумки, “Шоҳнома” уч асосий йирик қисмлардан иборат – мифологик давр, қаҳрамонлик даври ва тарихий давр. Аммо бу билан бу буюқ шеърый эпопея фақат уруш, жанг, қаҳрамонлик ва паҳлавонлик

сахналаридан иборат, деган содда ва жўн хулоса чиқариш мутлақо нотўғридир. Негаки, бу асар бошдан охиригача фалсафа ва ҳикматдан, фалсафий, ижтимоий, миллий ва умумбашарий пайғомлардан иборат. “Шоҳнома”да Фирдавсий юздан ортиқ фалсафий, диний, ижтимоий ва ахлоқий концепцияларни олға суради, бутунлай янги фалсафий назариялар ва ғояларни ишлаб чиқаради, уларни бадиий тарзда таҳлилдан ўтказди, олға сурилган ғояларни ҳодиса ва воқеалар орқали шарҳлайди.

Буюк Фирдавсий “Шоҳнома”ни 981-1008 йилларда, Зиёрийлар сулоласининг амири Унсурулмаболий Кайковус ибн Искандар ибн Қобус ибн Вушмгир Зиёрий (1021-1098) “Қобуснома”ни тахминан 1065-1066 йилларда, Улуғ Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”ни 1069-1070 йилларда ёзган. Ундан сўнг эса форс-тожик дидактик адабиётининг йирик вакили, Салжуқийларнинг улуғ донишманд вазири Низомулмулк машҳур “Сиёсатнома” асарини 1086-1092 йилларда ёзди. Форс-тожик дидактик адабиётида сиёсатнома, насиҳатнома ёки панднома жанрларида кейинчалик ҳам дурдона асарлар яратилди. Аммо барибир, улар ичида Фирдавсийнинг назмий “Шоҳнома”си ва Низомулмулкнинг насрий “Сиёсатнома”си алоҳида ўрин тутади.

“Қутадғу билиг” “Шоҳнома” дostonларининг сюжети, мотивлари ва уларда иштирок этган қаҳрамонлар ва персонажларни такрорламайди, аксинча, том маънода оригинал ва мустақил асардир. Аммо, биринчидан, уни яратиш ғоясининг туғилишида, табиийки, Сомонийлар ҳукмронлиги даврида яратила бошланган “Шоҳнома”нинг таъсири бор. Шу нуқтаи назардан, “Шоҳнома” форсий ҳукмдор сулола – Сомонийлар давлатчилигига аталган бўлса, “Қутадғу билиг” туркий ҳукмдор сулола – Қорахонийлар давлатчилиги учун аталган асар бўлган. Дарҳақиқат, “туркий тилда яратилган бу буюк асар минтақа адабиёти ривожининг биринчи босқичи учун маълум маънода яқунловчи асар бўлди. Бу босқичнинг ўзига хос икки жиҳатини қайд этиб ўтмоқ керак.

Биринчидан, бу даврда илм-фан ва ёзма бадиий адабиёт, асосан, турли ҳукмдорлар саройи қошида, улар ҳомийлигида ривож олиб, гуллаб-яшнади. Агар Аббосий халифалар саройида араб тилидаги шеърят, Сомоний ва Ғазнавийлар ҳузурида форс тилидаги адабиёт паноҳ топган бўлса, Қорахонийлар даргоҳида туркий шеърятнинг буюк намунаси дунёга келди.

Иккинчидан, бу адабиётнинг ўзига хос томони маърифатчилик эди. Нафақат адабиёт, балки бу даврнинг бутун маънавиятида етакчи руҳни ақлга таяниш, билимга чорлаш, ижтимоий адолат, марғуб ахлоқни ақл, заковат кучи билан ўрнатишга ишонч ташкил қилар эди. Бу адабиёт биринчи навбатда ҳукмдор табақага, беклар, зодагонларга мўлжалланган ва ўшаларга тўғри йўлни кўрсатишни мақсад қилган эди”. [8]

Иккинчидан, “Шоҳнома”нинг бошидан охиригача қизил чизикдек ўтган ақл, билим ва тадбир масалалари “Қутадғу билиг”нинг ҳам ғоявий моҳиятини ташкил этади.

Учинчидан, Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”да Фирдавсий “Шоҳнома”сига эргашиб, Қуръон оятлари ва Ҳадиси шарифдан иқтибосларни айнан келтирмасдан уларнинг мазмунини беради.

Тўртинчидан, “Шоҳнома”нинг “Туфтор дар офариниши олам” (“Оламнинг яралиши ҳақида сўз”), “Туфтор дар офариниши офтоб” (“Қуёшнинг яралиши ҳақида сўз”), “Туфтор дар офариниши моҳ” (“Ойнинг яралиши ҳақида сўз”) каби қисмларида олам ва сайёрларнинг яралишига бағишланган бўлса, “Қутадғу билиг”нинг “Етти сайёра ва ўн икки бурж ҳақида” номли қисми сайёраларнинг яралиши ва буржларнинг изоҳига бағишланган.

Бешинчидан, “Шоҳнома”нинг “Туфтор андар ситойиши Пайғамбар” қисмида Ислом Пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.) васф этилган бўлса, “Қутадғу билиг”нинг “Набий алайҳиссалом (Муҳаммад с.а.в.) мадҳи баёнида” номли қисмида Расулulloҳ мадҳ этилади.

Олтинчидан, “Шоҳнома”да “Туфтор андар фароҳам овардани китоб” (“Китоб (“Шоҳнома”)ни битиш ҳақида сўз”) номли қисми Пайғамбар васфидан кейин берилган бўлса, “Қутадғу билиг”да бу мавзу асарнинг бошида (Муқаддима қисми) ва “Китобга ном берилиши ва ўз қарилиги ҳақида” номли қисмда ёритилади. Китобни ёзиш ва ном бериш сабаблари баёни ва у билан боғлиқ фикрлар, гарчи композиция жиҳатидан фарқ қилса-да, “Шоҳнома” каби “Қутадғу билиг”да ҳам мавжуд.

“Қутадғу билиг”даги мавзулар композициясининг “Шоҳнома”даги мавзулар композицияси билан қиёсий таҳлили Юсуф Хос Ҳожибнинг Фирдавсий анъаналарига эргашганини кўрсатади.

“Қутадғу билиг” ва “Шоҳнома” ўртасидаги муштарак жиҳатларни бу икки асарнинг ибтидосидан жой олган Аллоҳнинг ҳамди, тафаккур, ақл, билимнинг васфи, тил ва китобнинг аҳамиятига бағишланган байтлардан ҳам мушоҳида этиш мумкин:

به نام خداوند جان و خرد
کز این برتر اندیشه بر نگذرد
خداوند نام و خداوند جای
خداوند روزی ده رهنمای
خداوند کیوان و گردان سپهر
فروزنده ماه و ناهید و مهر
ز نام و نشان و گمان برتر است
نگارنده برشده پیکر است
به بینندگان آفریننده را
نینی مرنجان دو بیننده را
نیابد بدو نیز اندیشه راه
که او برتر از نام و از جایگاه
سخن هر چه زین گوهران بگذرد
نیابد بدو راه جان و خرد

خرد گر سخن برگزیند همی
همان را گزیند که بیند همی
ستودن نداند کس او را چو هست
میان بندگی را بیایدت بست
خرد را و جان را همی سنجد اوی
در اندیشه سخته کی گنجد اوی؟
بدین آلت رای و جان و زبان
ستود آفریننده را کی توان؟
به هستیش باید که خستو شوی
ز گفتار بیکار یکسو شوی
پرستنده باشی و جوینده راه
به ژرفی به فرمائش کردن نگاه
توانا بود هر که دانا بود
ز دانش دل پیر برنا بود.
[12:17]

Мазмуни:

*Худонинг номи билан бошлайман – У жон ва тафаккурнинг
Худосидир, чунки менимча, Уни ёдга олиш учун бундан яхшироқ ибора йўқ.*

*У шон-шараф, яхши ном ва юксак мақом соҳибидир, У инсонларга
ризқ берувчи ва уларга йўл кўрсатувчидир.*

*У бутун оламнинг ва чарх айланувчи осмоннинг Роббидир. Ой, қуёш
ва юлдузларга нур бахш этган Зотдир.*

*У шунчалик улугки, ҳатто исмлар билан ҳам Унга сифат бериш
мумкин эмас, ёки Унинг аломатларини ифода этиш, ҳатто тафаккуримизда
тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. У – осмон сақфини безаган ва
лойиҳалаштирган Зотдир.*

Худони кўз билан кўра олмайсан. Кўзларингни азиятга солма.

*Тафаккур ва ақл ҳам Уни англай олмайди, чунки Уни тавсифлаш ҳам,
макон ва замонга жойлаштириш ҳам мумкин эмас.*

*Ақлимиз фақат моддий унсурлар доирасида бўлган нарсаларни
англай олади.*

*Агар фикримиз тилга кўчса, у фақат кўра оладиган ва ифода эта
оладиган нарсалар ҳақида гапира олади.*

*Худовандни ҳеч ким У қандай бўлса, шундай ҳолда мақтай олмайди;
сен фақат Унга бандалик ва ибодат қилишга қодир даражасида ҳаракат
қилиб кўр.*

*У инсонларнинг жону ақлини Ўзи баҳолайди. У қандай қилиб
инсоннинг чекланган тафаккури доирасига сигиши мумкин?*

*Бу ақл, жон 160ат ил воситасида Яратгучини мақташ мумкинми
асло?*

*Унинг борлигига тан бермоқ керак, Беҳуда сўздан узоқлашмоқ керак.
Унга ибодат қил, йўл изла, амрларига чуқур ўйлаб қара.*

*Кимки доно бўлса, ўша кучлидир. Билимдан кексанинг кўнгли
ёшаради.*

“Қутадғу билиг”да эса муқаддима байтлардан сўнг “Ҳаммадан азиз
ва улуғ Тангри мадҳи баёнида” Худо шундай мадҳ этилади:

Барча ҳамдлар, яна туман минг сано
Қодир, бир Худога – Унга йўқ фано.
Ер, кўм-кўк осмон, ой, қуёш, кун-тун,
Халқ, макон, замонлар яратди бутун.
Истаб яратди бу бўлмиш барчани,
Бир “бўл” деб бўлдирди барча нарсани.
Барча яралмишда бўлди минг иши,
Қайғу йўқ, бир эрур, Унинг йўқ эши.
Эй озод Ҳақ, мангу аламсиз Худо,
Бир Сендан ўзгалар бу номдан жудо.
Улуғлик Сенда-ю, буюклик ишинг,
Сенинг Сендан бўлак йўқ тенгу тўшинг.
Эй Ҳақ, бирсан, Сенга ҳеч бир шерик йўқ,
Барча кейин, Сендан олдин тирик йўқ.
Ҳеч нега қўшилмас Сенинг бирлигинг,
Абадга қолувчи Сенинг эрклигинг.
Шаксизсан, яккасан, эй мангу Ато,
Маълумсан, тафтиш, исботсиз, бехато.
Ич-таш билимдони, эй дил жавҳари,
Кўздан йироқсан, лек Сен дил жавҳари.[10:15]

Фирдавсий “Шоҳнома”нинг ибтидосидан жой олган “Ситойиши
хирад” – “Ақл васфида” номли парчада ақлни шундай тавсифлайди:

کنون تا چه داری، بیار از خرد
که گوش نیوشنده زو بر خورد
خرد بهتر از هر چه ایزد پداد
ستایش خرد را به از راه داد
خرد رهنمای و خرد دلگشای
خرد دست گیرد به هر دو سرائ
از او شادمانی و زویت غمیست
و زویت فزونی و زویت کمیست
چه گفت آن خردمند، مرد خرد
که دانا ز گفتار او بر خورد
کسی کو خرد را ندارد ز پیش
دلش گردد از کرده خویش، ریش
هشیوار دیوانه خواند ورا

همان خویش، بیگانه داند و را
از اویی به هر دو سرائی ارجمند
گسسته خرد، پای دارد به بند
خرد چشم جان است، چون بنگری
تو بی چشم، شادان جهان نسپری
نخست آفرینش خرد را شناس
نگهبان جان است و آن سه پاس
سه پاس تو چشم است و گوش و زبان
کز این سه رسد نیک و بد بی گمان
حکیم چو کس نیست، گفتن چه سود
از این پس بگو کافرینش چه بود
تویی کرده کردگار جهان
ببینی همی آشکار و نهان
به گفتار دانندگان راه جوی
به گیتی پیوی و به هر کس بگوی
ز هر دانشی چون سخن بشنوی
از آموختن یک زمان نغوی
چو دیدار یابی به شاخ سخن
بدانی که دانش نیاید به بُن. [12:17]

Мазмуни:

Энди ақлдан нимаг бўлса, олиб кел, токи тингловчининг қулоқлари
ундан баҳра олсин.

Ақл, Худо берган неъматларнинг энг яхшисидир. Ақлни алқаш адолат
йўлини алқашдан афзалдир.

Ақл раҳнамо, ақл кўнгилни очувчидир. Ақл икки дунёда сени
қўлингдан тутувчидир.

Хурсандчилигинг ҳам ундан, ғаминг ҳам ундандир. Кўринг ҳам ундан,
камчилигинг ҳам ундандир.

Доно унинг сўзидан озиқа олгучи оқил киши нима деди?

Кимки ақл билан иш тутмаса, қилган ишларидан кўнгли ҳасратга
тўлади.

Ҳушёр (оқил) одам уни девона дейди, ўз қариндоши уни бегона
ҳисоблайди.

Сен у туфайли икки сарой (дунёда) муҳтарамсан, ундан узилганнинг
оёғи кишиандадир.

Агар эътибор берсанг, ақл жоннинг кўзидир, сен эса кўзсиз дунёни
кезолмайсан.

Олам яралишидан аввал ақлни танигин. У жон ва уч шукронанинг
қўриқловчисидир.

Сенинг уч шукронанг кўз, қулоқ ва тилдир, сенга яхши-ёмон ана шу
уч нарсдан етади.

Эй ҳаким, ҳеч ким (эшитгувчи) бўлмагандан кейин, гапиришдан не нафъ?

Сен оламни яратганнинг яралмишисан, ошкор ва пинҳон нарсаларни кўрасан.

Билимдонларнинг айтгани бўйича йўл тут, дунё кезиб, барчага етказгин.

Ҳар бир илмдан бирон нарса олгин, бир лаҳза ҳам ўрганишдан тўхтамагин.

Сўз шохига илинганигда билим наstdан келмаслигини билиб оласан.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарини “эронликлар “Шоҳномаи туркий” дедилар, шунингдек, баъзилар “Пандномаи мулук” дебдилар”, [10:7] деб тавсифлайди. Муаллиф балки бу ўринда ниҳоятда назокат билан узок тарихий ўтмишда минтақа эроний ҳукмдорлар – Модлар, Каёнийлар, Ахамонийлар, Ашконийлар, Сосонийлар, Саффорийлар, Тоҳирийлар ва Сомонийлар ҳукмида бўлган бўлса, унинг даврига келиб туркий ҳукмдорлар кўлига ўтганлигига, ёки ўз асарининг эронликлар томонидан эътироф этилганлигига ишора қилган бўлиши мумкин.

“Қутадғу билиг”нинг “Шоҳнома” билан жиддийроқ таққосланадиган жиҳатлари кўп. Афсуски, бу жиҳатлар ҳалигача қиёсий адабиётшунослик ва адабий алоқалар нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган.

Хуллас, “Шоҳнома” “Қутадғу билиг” учун дастуруламал сифатида хизмат қилганини инкор этиб бўлмайди. Бу эса “Шоҳнома” “Қутадғу билиг”нинг адабий сарчашмаси экан, деган хулосага келишга асос бўла олади.

2. “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”НИНГ ИСЛОМИЙ МАНБАЛАРИ

“Қутадғу билик” Ислом оламининг ўша даврдаги энг чекка ҳудудида – Баласоғунда яратилди. Юсуф Хос Ҳожиб ҳам мусулмон муҳитида вояга етди ва исломий билимларни ўзлаштирди. Табиийки, Қуръон ва Ҳадис илмларини ҳам эгаллади. Улуғ Ҳожибнинг Қуръони карим ва Ҳадиси шариф мазмунидан қанчалик огоҳлигини унинг шоҳ асари – “Қутадғу билиг”дан бемалол илғаб олса бўлади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб “Қутадғу билиг”да Фирдавсий “Шоҳнома”си анъаналарига эргашар экан, Қуръон ва Ҳадисдан фойдаланишда ҳам унинг йўлидан боради: Қуръон оятлари ва Ҳадиси шарифдан айнан иқтибос келтирмасдан улардан мазмунан фойдаланади.

Кейинги асрларда шеърӣ асарларда ҳам Қуръон оятлари ва Ҳадиси шарифдан айнан иқтибос келтириш анъанага киради. Жумладан, Мавлоно Жалолиддин Румӣ “Маснавийи маънавий”да Қуръон ва Ҳадисдан ҳам айнан иқтибос келтиради, ҳам уларнинг мазмунига ишора қилади.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”ни Аллоҳ таоло ҳамди, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) ва Ҳулафои Рошидин васфи билан бошлар экан инсон фикрини уйғотувчи ҳар бир ғояни шеърга солади. Асар давомида Мусо, Исонинг қиссалари ва Искандар Зулқарнайн ҳақидаги ҳикояларни келтиради.

Юсуф Боласоғунийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, дoston мазмунига кўра Исломи дини ва мусулмонларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий муносабатларини тартибга солувчи шариат кўрсатмалари доирасида шакллланган. Дoston муаллифи нафақат ҳукмдорлар, балки оддий одамлар ҳам қандай бўлиши кераклигини, шахс қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб беради.

Юсуф Хос Ҳожиб турк тилидан ташқари ёшлигидан форс-тожик ва араб тилларини ҳамда ўз даврининг диний ва дунёвий илмларини ўрганган. Юсуф Хос Ҳожиб қадрли деб билган шахсларнинг сўзлари ва ишораларини ҳам назардан четда қолдирмайди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг Исломи Пайғамбари Муҳаммад (с.а.в) ҳадисларидан илҳом олиб яратган иборалари асарга кўшимча маънавий латофат бағишлайди. “Қутадғу билиг” Исломи дини кириб келишидан кейинги даврдан бизгача етиб келган туркий тилдаги биринчи маҳобатли асардир.

“Қутадғу билиг” ҳам Фирдавсий “Шоҳнома”си сингари аввал Аллоҳ таоло ҳамди, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) наъти, Расулulloҳнинг “тўрт содиқ дўсти” – чорёр (“Ҳулафои рошидин”) васфи билан бошланади. Юқоридаги икки ҳолат “Қутадғу билиг”нинг асл диний сарчашмаси шакл-шубҳасиз, Қуръони карим ва Ҳадиси шариф эканлигидан далолат беради.

“Қутадғу билиг”, гарчи туркий руҳга эга асар бўлса-да, исломий эътиқод ва тафаккур билан суғорилган. Унда баён этилган мавзулар, масалалар ва ғояларнинг барчаси аввалидан охиригача ана шу ягона исломий тафаккур ва эътиқод тарзи билан бир-бирига боғланиб кетади. Юсуф Хос Ҳожиб умрининг кўп йилларини сарой хизматида ўтказган, юксак унвон ва мартабаларга эришган ва табиийки, бадавлат ва бекам-кўст ҳаёт кечирган бўлса-да, “Қутадғу билиг”да баён этган ғоялари ва фикрларидан унинг табиатан дарвешсифат, қаноатпеша ва камсуқум инсон бўлганлигини кўрсатади. Улуғ Ҳожиб “Қутадғу билиг”нинг қимматли байтлари ичидан художўй, эътиқодли, диндор, ҳақпарвар, тавозўли, мурувватли, адолатпарвар, халқпарвар, тинчликсевар, илмпарвар, маърифатпарвар бир инсон, хуллас, маънаван етук бир шахс сифатида намоён бўлади. Бунинг асосий сабаби – улуғ Хос Ҳожибнинг исломий ғоялар ва қадриятларга садоқат билан муносабатда бўлганлиги, Қуръон ва Суннат асосида ҳаёт кечирганлигидир.

“Қутадғу билиг”да исломий ғоялар, мавзу ва масалаларга ниҳоятда кўп мурожаат қилинган. Улар гоҳида шоирона бадиий образлар ва тасвирлашлар орқали, гоҳида олимона тафаккур юритишлар орқали ифода этилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг исломий тафаккури Исломи бағридан униб-ўсиб чиққан ҳаётбахш таълимот – Тасаввуф ғояларидан баҳраманд бўлганлигини кўрсатади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, Тасаввуф таълимоти

XI асрнинг биринчи ярмига келиб ўзининг янги тараққиёт босқичи – Ирфон фалсафаси мақомига кўтарилган эди. Хос Ҳожиб Тасаввуф таълимотининг намояндаларидан бўлмаса-да, ба қудратли диний-фалсафий таълимот таъсиридан четда қолиб кетиши мумкин эмас эди. “Қутадғу билиг”даги исломий ҳақиқатларнинг тасаввуфий-ирфоний оҳанг билан йўғрилганлигини ўша даврдаги Юсуф Хос Ҳожибга ўхшаган адабиёт ва тафаккур аҳлига хос бир жараён сифатида қабул қилиш керак. Мисол учун:

- Дунёнинг жафокорлиги.

Ойтўлди оламдан ўтишидан олдин элик билан бўлган охирги суҳбатида дунёни жафокор, деб атайди:

Жафокор деб мени айбдор этма,
Мендан ҳам жафокор дунё, унутма.[10:104]

Абу Убайда Баҳрайдан мол келтирди. Баъзи саҳобалар интизор бўлдилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалом уларга: “Аллоҳга қасамки, мен сизлар учун фақирликдан қўрқмайман. Мен сизлар учун дунё сизга сиздан олдингиларга бўлганидек сероб бўлишидан, сиз ҳам улар унинг учун талашганларидек талашиб кетишингиздан ва у уларни ҳалок қилганидек сизни ҳам ҳалок қилишидан қўрқаман”, дедилар”. Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган. [1]

- Дунёга кўнгил боғламаслик.

Ойтўлди ўлимидан олдин ўғли Ўгдулмишга насиҳат қилар экан, дунёга кўнгил боғламаслик керак, деб насиҳат қилади. Негаки, дунё собит ва уствор эмас, балки ўзгарувчан ва ўткинчидир:

Боғланма, дунё кўп ўсиб, чўқади.
Бахт бугун ёш, эрта қаддин букади.[10:123]

Қуръони каримнинг “Ҳадид” сурасида: “Билингки, албатта, бу дунё ҳаёти ўйин, кўнгил эрмаги ва зеб-зийнатдан, ўзаро фахрланишдан, мол-мулкни ва бола-чақани кўпайтиришдан иборатдир. У худди ўсимлиги деҳқонларни ажаблантирган ёмғирга ўхшайдир. Кейинроқ бу ўсимликлар қуриydi ва сарғайганини кўрасан. У сўнгра хас-чўпга айланиб кетадир. Охиратда эса, каттиқ азоб бор, Аллоҳдан мағфират ва розилик бор. Бу дунё ҳаёти ғурурга кетгазувчи матодан ўзга ҳеч нарса эмас”, дейилади.

- Ўлимнинг ҳақлиги ва дунёнинг сароблиги.

Ойтўлди оламдан ўтишидан олдин элик билан бўлган охирги суҳбатида “ўлимнинг ҳақлиги” ва “дунёнинг сароблиги” – яъни, ёлғонлигини таъкидлайди:

Ўлим ҳақ, мендан сўнг сенга етади,
Дунё сароб – бир кун тарқаб кетади.[10:105]

Яна:
Ўлим ҳақ, ким узоқ ғофил қолса гар,
Ажал тил тутгач, сўз қолар бесамар.[10:108]

Ўлимни эслатувчи оятлар Қуръони каримда жуда кўп зикр қилинган.
Аллоҳ таоло айтади:

“Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир” (*Оли Имрон сураси, 185-оят*).

“(Эй, Муҳаммад!) Айтинг: «Агар сизлар ўлишдан ё ўлдирилишдан
қочсаниз, бу қочиш сизларга сира фойда бермас» (*Аҳзоб сураси, 16-оят*).

Инсон ўлимдан омон қолмайди. Қайси жой, қайси вақт бўлмасин,
ўлим уни излаб топади. Шуларни баён қилиб, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло
бундай дейди:

“Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам,
ўлим сизларни топиб олур” (*Нисо сураси, 78-оят*).

Ойтўлдининг эликка ёзиб қолдирган насихатномасида ҳам ўлимнинг
ҳақлигини яна эслатади:

Қанча қочма, ажал охир тутаети,
Қанча қолма, ўлим охир ютади.[10:127]

- Ўлимни эслаб туриш.

Ойтўлди ўлимидан олдин ўғли Ўгдулмишга насихат қилар экан,
ўлимни эслаб туришни васият қилади:

Ўлимни эсаб тур, у сенга далда,
Унутма, йўқ эдинг, асли, азалда.[10:123]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар:

“Лаззат (роҳат)ларни кесувчи (ўлим)ни эслашни
кўпайтиринглар” (*Имом Термизий ривояти*).[11]

Ториқ ибн Абдуллоҳ ал Маҳарибий розияллоҳу анҳудан қилинган
саҳиҳ ривоятда шундай дейилган:

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم يا طارق استعد للموت قبل الموت.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, Ториқ розияллоҳу анҳуга: “Эй,
Ториқ! Ўлимга, ўлим келишидан олдин тайёрлангин!”, дедилар.[4:7/352]

- Ёлгон сўзламаслик.

Ойтўлди ўлимидан олдин ўғли Ўгдулмишга ёлгон инсонни эл олдида
ерга уришини, шунинг учун ёлгон сўзламасликка чақиради:

Чиқарма ёлғон сўз, тилинг кўрмасин,
Эл аро қадрингни ерга урмасин.[10:123]

- *Силаи раҳм.*

Ойтўлди ўғлига қариндош ва дўст-ёрга яқин бўлишни, меҳр
кўрсатиш ва ардоқлашни васият қилади:

Қариндош, дўст-ёрга яқинлик боғла,
Меҳрин топ, улуғми-кичик, ардоқла.[10:123]

Қариндошлик ришталарини боғлашга бўлган эътибор улуғлигидан,
яхшилик асоси ва одоб-ахлоқ намунаси бўлганидан нафақат ислом динида
балки, аввалги динларда ҳам фарз қилинган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай
марҳамат қилади:

“Эсланг, (Биз) Исроил авлодидан: “Фақат Аллоҳгагина сиғинасиз, ота-
она, қариндош, етим ва мискинларга яхшилик қиласиз, одамларга ширинсўз
бўлинг, намозни баркамол ўқинг, закот беринг”, - деб аҳд олган эдик. Кейин
(сиз, эй, Исроил авлоди,) озчилик қисмингиздан бошқангиз ушбу аҳддан юз
ўғирдингиз” (Бақара сураси, 83-оят).

Абдуллоҳ ибн Салом розияллоху анҳудан ривоят қилинади:
“Набий алайҳиссалом Мадинага келиб, илк хутбаларининг бирида: “Эй,
инсонлар! Саломни орангизда ёйинглар, таом улашинглар, силаи раҳм
қилинглари ва инсонлар ухлаётган вақтда кечаси бедор бўлиб намоз ўқинглар
ана шунда жаннатга саломат кирасизлар”, дея марҳамат қилганлар (Бухорий
ривояти).[3]

- *Ғафлатда қолмаслик.*

Юсуф Хос Ҳожиб “Ғафлат” ва “Ғафлатда қолиш” ҳақида кўп жойда
айтиб ўтади. Негак, ғафлат – инсоннинг мол-дунёси ва мансаби бор пайтида
содир бўладиган ва охир-оқибат инсонга пушаймонлик ва надомат
келтирадиган иллатдир:

Ғофилдир роҳатдан маст юрган одам,
Тавбага куч топа олмас сўнгги дам.[10:108]

- *Эзгулик ва хайр эҳсон қилиш.*

Ойтўлди эликка ёзиб қолдирган насиҳатномасида саломат чоғида –
мол-дунё бор бўлган пайтда эзгулик ва хайру эҳсон қилишга чакиради:

Саломат чоғингда эзгулик қидир,
Мол-дунёнг борида эҳсон қил, едир.[10:126]

“Эҳсон” сўзи луғатда “яхшилик қилиш, эзгулик кўрсатиш” маъноларини ҳам англатади. Қуръонда эҳсоннинг фазилати ҳақида зикр этиш баробарида эҳсон қилувчиларга бериладиган савоб-мукофотлар, уларга етадиган манфаатлар ҳам баён этилади: яъни, “(Эй Муҳаммад), сиздан нима эҳсон қилишни сўрашса, “Нима эҳсон қилсангиз ҳам ота-онага, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилинг, қандай яхшилик қилсангиз ҳам Аллоҳ уни албатта билади”, денг” (Бақара сураси, 215-оят).[9]

- *Яхшилар билан юриб, ёмонлардан узоқлашиш.*

Эликка ёзиб қолдирган насиҳатномасида Ойтўлди “даврани эзгулар билан тузиб, ёмонлардан узоқ юриш”ни тавсия қилади:

Даврангни эзгулар билан тузаб ол,
Ёмондан узоқ юр ёки ҳайдаб сол.[10:127]

- *Дунё – мусофирхона.*

Юсуф Хос Ҳожиб дунёни бир работ – мусофирхона сифатида тасаввур қилади. Келган одам фурсати етгач, кетади:

Дунё бир работ – у мусофирхона,
Келган кетар, етгач вақту замона.[10:128]

Ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам елкамдан тутиб туриб:

كُنْ فِي الدُّنْيَا كَأَنَّكَ غَرِيبٌ أَوْ كَعَابِرٍ سَبِيلٍ
(رواه الإمام البخاري عن ابن عمر رضي الله عنهما)

яъни: “Бу дунёда худди мусофир ёки йўловчидек бўлинг”, – дедилар (Имом Бухорий ривоятлари).[2]

- *Инсоннинг Тўғри йўлни танлаш имконига эгаллиги.*

Йўлнинг эса икки томони бор: қайси бирини танлаш – инсоннинг ихтиёрида. Инсон ўнгдан кетса, ишлари битади, чапдан кетса, умри зое бўлади. Бу маънони Ойтўлдининг эликка ёзиб қолдирган насиҳатномасида куйидагича ифодалайди:

Бундан ўтган йўлда икки томон бор,
Қай бирга кетарсан, сенда ихтиёр.
Ўнгдан кетсанг, барча ишинг битади,
Сўлдан эса умринг зое кетади.[10:128]

- *Дунё – банданинг экинзори.*

Эликка насиҳат қилар экан, Хос Ҳожиб Ойтўлди тилидан Пайғамбар (сав) нинг “Дунё охираатнинг экинзоридир”, мазмунидаги ҳадисини эслайди:

Бахтли бек, дунё бир экинзор дала,
Экканин ўргайлар, шунда масала.
Ерга нима эксанг, унгани ҳам ул,
Берган бир ўшани этади қабул.[10:128]

“Банда дунё матосига алданмаслиги ва унга муккасидан кетмаслиги учун дунё ҳаёти охират учун экинзор эканини англаб етиши керак. Ҳар бир мўмин-мусулмон дунё ҳаёти вақтинча ва фоний экани, охират ҳаёти абадий ва тугамас эканини яхши англаса, дунё ҳаётидаги вақтини қадрига етади ва ундан унумли фойдаланади. Баҳор фаслида деҳқон ўз ерига уруғ экиб, уни парваришлаб, кузда ҳосил олгани каби, биз ҳам бу дунёдаги қисқа умримизда охиратдаги абадий ҳаётимиз учун ҳосил тайёрлаймиз”.[2]

“Қутадғу билиг” мазмун-моҳиятига кўра ахлоқий асар бўлиб, уни “исломий панднома” деб ҳам аташ мумкин. Унда кофирлар, дин душманлари ва

иблис “иймон ўғрилари” сифатида тилга олинади.

“Қутадғу билиг”даги исломий ақидаларидан келиб чиқиб, Юсуф Хос Ҳожиб Ҳанафия фикҳий мазҳабига эргашган комил эътиқодли бир мусулмон бўлганлиги англашилади. Унинг асари эса исломий эътиқод ва ахлоқни тарғиб этган исломий адабиёт намунаси сифатида асосий исломий сарчашмалар – Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан озиқланганлиги ҳақида ҳеч қандай шак-шубҳа қолмайди.

3. “ҚУТАДҒУ БИЛИГ”НИНГ ФАЛСАФИЙ МАНБАЛАРИ

Бу қисмда “Қутадғу билиг”нинг фалсафий манбалари хусусида фикр юритар эканмиз, авваламбор, “бу бадий – шеърӣ асарда фалсафа борми?” деган савол туғилади.

Авваламбор, унутмаслик керак: бадий адабиётнинг асл жавҳари – унинг туб-тубида яширинган моҳияти – бадий образлар орқали ифодаланган фалсафӣ ғоядир. Фалсафӣ ғоя бўлмаса, ҳеч қайси бир бадий асар мангу қолмайди. “Қутадғу билиг” эса мангуликка дахлдор бадий асар. Демак, у – фалсафӣ асар ҳамдир.

Дарҳақиқат, Юсуф Хос Ҳожиб Баласоғунӣнинг “Қутадғу билиг” достони ўзининг бутун бадий-ахлоқӣ йўналишига қарамай, фалсафӣ-ижтимоӣ асар ҳисобланади. Зеро унда инсон ҳаётининг маъноси ва аҳамияти таҳлил қилинади, инсоннинг жамиятдаги бурчлари ва хулқ-атвор меъёрлари белгиланади. Достоннинг яна бир ижтимоӣ аҳамияти шундаки, унда жамиятни ижобӣ томонга ўзгартиришга қаратилган танқидӣ фикрлар ҳам мавжуд.

“Қутадғу билиг” достонининг асосий фалсафий ғояси муаллифнинг қахрамонлар характери орқали ифодалаган тўртта ҳақиқатига асосланади:

1. Адолатга асосланган тўғри қонун. Унинг тимсоли – Кунтуғди (“қуёш чикди” деган маънони англатади).

2. Бахт (Саодат). Унинг тимсоли – адолатли вазир Ойтўлди (“тўлин ой”).

3. Ақл ва идрок. Уни вазирнинг ўғли Ўғдулмиш (“оқил”) гавдалантиради.

4. Тоқат ва қаноат. Вазирнинг укаси Ўзғурмиш ифодалайдиган ушбу ҳақиқатнинг ортида Келажак ва Оқибат туради.

Юсуф Хос ҳожиб бу тўрт ҳақиқатни тўрт шахс сиймосида мужассамлаштирганини қуйидагича ошкор этади:

Киши тутса икки жаҳоннинг қутин,
Саодатга етган ўша – сўзим чин.
Кунтуғди эликка эди сўзим хос,
Сабабин айтай, эй эзгу, қулоқ ос.
Сўнг Ойтўлди ҳақда сўз очдим равон,
Улуғ, бахтли кунлар ундан нурафшон.
Кунтуғди деганим бу – чин адолат,
Ойтўлди деганим – боқ, бахту давлат.
Яна сўздан мурод эди Ўғдулмиш,
Оти идрок, етук, кўп улуғ бўлмиш.
Ундан бошқасини Ўзғурмиш қўйдим,
Маъносин тоқату қаноат йўйдим.[10:44]

Энди иккинчи савол туғилади: хўш, “Қутадғу билиг” бадийлик билан бурканган фалсафий асар ҳам экан, унда унинг фалсафий манбалари ҳам борми?”

Юсуф Хос Ҳожиб Қадимги Юнон фалсафаси ва ислом мутафаккирлари – ал-Киндий, Форобий ва Ибн Сино асарлари билан яқиндан таниш бўлган. “Қутадғу Билиг” даги билим фалсафаси қадимги Юнонистон таълимотларига, айниқса, Платон ва Аристотелнинг фикр ва назарияларига ўхшаб кетади, чунки муаллиф фақат билимли ва доно ҳукмдор адолатли жамиятга раҳбарлик қилиши мумкинлигини таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳатто агар Қадимги Юнон фалсафасидан бевосита фойдаланмаган тақдирда ҳам уни Форобий ва Ибн Сино таълимотлари орқали ўзлаштирган бўлиши мумкин. Чунки бу икки буюк мутафаккир таълимоти Юнон ва Ислом фалсафисининг гўзал шаклдаги синтезидир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг идеал жамият – билимли ва фазилатли жамият, давлат ва жамиятни адолатли бошқариш ҳақидаги ғоялари шакл-шубҳасиз, Абу Наср Форобийнинг “Мадинат ул-фозила” асарида баён этилган фазилатли жамият ҳақидаги назариясига асосланган.

“Қутадғу билиг”дан англашилишича, Юсуф Хос Ҳожиб Ибн Синонинг араб ва форс-тожик тилларидаги асарларидан яхшигина баҳраманд бўлган. Юсуф Хос Ҳожибнинг шахслар сиймосида маълум бир фазилат ёки ҳақиқатни яширгани ва бу билан мажозий (аллегорик) образ яратгани унинг Ибн Сино фалсафий тафаккуридан яхшигина таъсирланганини кўрсатади. Ибн Сино ҳам ўз даврида “Ҳай ибн Яқзон” ва “Саломон ва Ибсол” каби фалсафий-ирфоний асарларида бу мажозий-тамсилий усулдан фойдаланган эди. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”ни ёзишда Ибн Синонинг “Аш-Шифо”, “Ал-Ишорот ват-танбеҳот” ва “Донишномаи Алоий” каби фалсафий асарларидан ҳам фойдаланган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Аммо, “Қутадғу билиг”нинг яна бир фалсафий манбаси четда қолиб кетаяпти: бу Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидир. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, “Шоҳнома” фақат Ажам шоҳаншоҳлари тарихи-ю урушлар, жангларида дахшатли саҳналари, қаҳрамонлик ва паҳлавонликларнинг ҳаяжонли тасвирлариидангина иборат бўлган шеърӣ-бадий асар эмас, балки шунингдек, ўзининг такзамирида занжирли равишда бир-бири билан чамбачас алоқадорликда боғланган жаҳоншумул фалсафий ғоялар ва назариялар тизимидан иборат. Жумладан, ундаги кучли рационализм – аклцентризм – аклонийлик назарияси, “Илмийлик назарияси”, “Ирсият назарияси”, “Адолатли ҳукмдор (шоҳ) назарияси”, “Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий ва абадий кураш” назарияси, оламнинг доимий равишда ўзгариб туриши, бирон нарса ва ҳолат абадий эмаслиги, дунёнинг муаммолари акл-идрок ва тўғри тадбир орқали ечим топиши, ростлик (тўғрилиқ), ҳалоллик, мардлик (жавонмардлик), кечиримли бўлиш, уруш ва адоватнинг оқибатлари, сулҳ ва тинчликнинг фазилатлари, ёлғон ва макр-ҳийланинг оқибати, ёлғон ва макр-ҳийланинг охир-оқибат фош бўлиши, инсон ичидаги икки қарама-қарши кучлар – эзгулик ва ёвузликнинг ўзаро кураши, ваъдага вафо қилиш, сабр-қаноат, ўйлаб иш тутиш... каби юзлаб ғоялар бу бадий-тарихий асарни фалсафа ва ҳикмат қомуси сифатида таништиради. Юсуф Хос Ҳожиб эса “Шоҳнома”ни басират кўзи билан мутолаа қилган ва ундан ҳикмат дурдоналарини терган мутафаккир сифатида ундаги назария ва ғоялардан “Қутадғу билиг”нинг фалсафий манбаси сифатида фойдаланганига ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Хулоса

“Қутадғу билиг”ни мутолаа қилар эканмиз, Юсуф Хос Ҳожиб асарнинг бошидан охиригача ибодатга садоқатли ва ҳудожӣ бир мўъмин, адолатпарвар ва халқпарвар раҳнамо, маърифатпарвар ва қомусий билимларга эга мутафаккир сиймосида гавдаланади. Муаллиф асарда қаҳрамонлар образи орқали, уларнинг сўзлари ва амаллари воситасида ва ниҳоят, ўз тили ва баёни билан ўзининг улуғвор портрети ва инсоний фазилатларини ҳам чизиб беради. Бу улуғвор, ҳудожӣ, иймон-эътиқодли, донишманд ва ҳаким инсон баланд бир минбардан туриб гоҳида иймону тақво, гоҳида ростлик ва поклик, гоҳида сабру қаноат ва гоҳида илму ҳикмат

ҳақида маъруза қилар экан, замондошлари ва келажак авлодларни ростлик (қути قوتى =), эзгулик (эдгу اندگو =), билим (билиглик بيليگليگ =), фаҳм (ўқушлук اوكوشلوق =), ақл (ўс اوس =), сабр (саримлик سریمليگ =) ва жавонмардлик (ақи آقى =) қа даъват этади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳеч қандай муболағасиз, туркий халқларнинг ифтихори бўлмиш “Қутадғу билиг” асари нафақат гўзал бадиий адабиёт мулки, балки шунингдек, давлатчилик тартиб-қоидалари, адолат, ҳақиқат ва бахт-саодатга эришиш усуллари ҳақидаги таълимий дастур, балки, шунингдек, инсон, ҳаёт, борлиқ, абадият, эзгулик, тўғрилиқ, илм ва ақл-идрок хусусида баҳс юритадиган фалсафий-ахлоқий китоб, туркий, форсий ва исломий тафаккур тарзларини ўзида мужассамлаштирган, дунёвий ва диний дунёқарашларни уйғунлаштирган қомусий асар ҳамдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Дунёдан огоҳлантириш ҳақида. 02.03.2017. // <https://islom.uz/>
2. Дунё – охират экинзори. 03.12.2021 й. // <https://sammuslim.uz/>
3. Силаи раҳм ризқни кенг ва умрни узун бўлишига сабаб бўлади. 2025 14 апрел. <https://islom.uz/maqola>
4. Торик ибн Абдуллоҳ ал-Маҳарибий розияллоху анҳудан қилинган саҳиҳ ривоят. Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақий. Шуъбул ийман. Дорул кутуб ал илмийя. – Байрут. 1410 ҳ.
5. Холмўминов Ж, Ҳазратқулов Ж. Форсий адабиётнинг жаҳон адабиётидаги ўрни. – Тошкент: “Yangi nashr”, 2012.
6. Хотамий, Аҳмад. “Шоҳнома”нинг тил ва адабиётга таъсири. // “Сино2, 2011 йил, куз-қиш. № 43-44.
7. “Шоҳномэ”-йэ Фэрдўвсий. Бэ тасҳиҳ-э Жюль Мул. Мўтаржэм-э дибочэ: Жаҳонгир Афкорий. – Техрон: Шэркат-э энтэшорот-э элмий ва фарҳангий, 1374.
8. <https://shosh.uz/mutafakkirlar-yusuf-hos-hojib/>
9. Эҳсон – садақа бериш ва яхшилик қилишдир. // www.muslimuz
10. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга элтувчи билим). / Ҳозирги ўзбек тилига ўгирувчи: Фазлиддин Равшанов. – Тошкент: “Akademnashr”, 2015.
11. Ўлим ҳақида ва унга тайёргарлик. Динимиз аҳкомлари. 21 дек. 2020. // <https://oliymahad.uz/>
12. شاهنامه فردوسی. نقاشی: استاد شکیبا. مقدمه حسین محی الدین الهی قمشه ای. خوشنگاری کاوه اخوین. – تهران: خانه فرهنگ و هنر گویا. 1396.